



THE ROLE OF THE CONCEPT OF MODERNIZATION IN THE DEVELOPMENT OF CIVIL SOCIETY

Nargiza Seydabullaeva

Associate Professor

Karakalpak State University

Nukus, Uzbekistan

E-mail: nargiza.seydabullaeva@bk.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: modernization, political development, economic changes, globalization, social structure.

Received: 27.11.24

Accepted: 29.11.24

Published: 01.12.24

Abstract: This article examines the concept of "modernization" in a broad sense, highlighting the economic, social, cultural and political aspects of this process. Modernization is interpreted as the process of introducing innovations in various spheres of society in order to achieve modernity, bringing it to new stages of development. The origin of this term is associated with the scientific and technical development of European society in the 18th century, and by the middle of the 20th century it acquired scientific and theoretical significance. The author analyzes the modernization process through various theoretical and methodological approaches, especially studying its impact on the political system and social changes. The need for progressive reforms for the economic and political modernization of society is indicated, and it is said that such factors as the transition from authoritarian to democratic systems, economic development and the introduction of various innovations are of great importance in this process.

The article also describes the historical stages of the modernization process: the contribution of Western scholars to its development in European and North American countries, the rapid development of modernization in the 1950s-1960s and its subsequent critical reception. Using the example of Uzbekistan, the article highlights the difficulties encountered in the

modernization of society, in particular, the complexities of the transition period. The differences between the political and social significance of modernization in Western and Eastern countries are studied, and the role of each approach in preserving national identity and values is analyzed.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ТУШУНЧАСИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

Наргиза Сейдабуллаева

досент в.в.б

Қорақалпоқ давлат университети

Нукус, Ўзбекистон

E-mail: nargiza.seydabullaeva@bk.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: модернизация, сиёсий ривожланиш, иқтисодий ўзгаришлар, глобализация, ижтимоий тузим.

Аннотация: Мазкур мақола "модернизация" тушунчасини кенг кўламда тадқиқ этиб, бу жараённинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий жиҳатларини ёритади. Модернизация – бу жамиятнинг турли соҳаларида замонавийликка эришиш учун янгиланишлар жорий этиш, уни ривожланишнинг янги босқичларига олиб чиқиш жараёни сифатида талқин қилинади. Мазкур атаманинг келиб чиқиши XVIII асрдаги Европа жамиятидаги илмий-техник тараққиёт билан боғлиқ, XX асрнинг ўрталарига келиб илмий-назарий аҳамият касб этган. Муаллиф турли назарий-методологик ёндашувлар орқали модернизация жараёнини таҳлил қилиб, айниқса, сиёсий тизим ва ижтимоий ўзгаришларга таъсирини ўрганади. Жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий модернизацияси учун прогрессив ислохотлар зарурияти кўрсатилган, бу жараёнда авторитар тизимлардан демократик тизимларга ўтиш, иқтисодий ривожланиш ва турли инновацияларни жорий этиш каби омиллар муҳим аҳамият касб этиши айтилади.

Мақола, шунингдек, модернизация жараёнининг тарихий босқичларини тавсифлайди: унинг Европа ва Шимолий Америка мамлакатларидаги ривожланишига Ғарб олимларининг ҳисса қўшганлиги, модернизациянинг 1950-1960 йиллардаги жадал ривожини ва кейинги даврда танқидий қарашлар билан қаршиланганлиги тасвирланади.

Ўзбекистон мисолида, мақола жамият модернизацияси йўлида учрайдиган қийинчиликларни, хусусан, ўтиш даврининг мураккабликларини таъкидлайди. Ғарб ва Шарқ мамлакатларида модернизациянинг сиёсий ва ижтимоий аҳамиятлари орасидаги фарқлар ўрганилиб, ҳар бир ёндашувнинг миллий ўзига хослик ва қадриятларни сақлашдаги ўрни таҳлил қилинган.

РОЛЬ КОНЦЕПЦИИ МОДЕРНИЗАЦИИ В РАЗВИТИИ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА

Наргиза Сейдабуллаева

доцент

Каракалтакский государственный университет

Нукус, Узбекистан

E-mail: nargiza.seydabullaeva@bk.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: модернизация, политическое развитие, экономические изменения, глобализация, социальная структура.

Аннотация: В данной статье понятие «модернизация» исследуется в широком смысле, выделяя экономические, социальные, культурные и политические аспекты этого процесса. Модернизация трактуется как процесс внедрения обновлений для достижения современности в различных сферах жизни общества, вывода его на новые этапы развития. Возникновение этого термина связано с научно-техническим развитием европейского общества в XVIII веке, а научно-теоретическое значение он приобрел к середине XX века. Автор анализирует процесс модернизации с помощью различных теоретико-методологических подходов, особенности его влияния на политическую систему и социальные изменения. Показана необходимость прогрессивных реформ для экономической и политической модернизации общества, при этом большое значение в этом процессе имеют такие факторы, как переход от авторитарных систем к демократическим, экономическое развитие и внедрение различных инноваций.

В статье также описываются исторические этапы процесса модернизации: вклад западных ученых в его развитие в странах Европы и Северной Америки, бурное развитие модернизации в

1950-1960-е годы и ее противостояние критическим взглядам в последующий период. На примере Узбекистана в статье освещаются трудности, возникшие при модернизации общества, в частности, сложности переходного периода. Изучаются различия между политической и социальной значимостью модернизации в странах Запада и Востока, анализируется роль каждого подхода в сохранении национальной идентичности и ценностей.

Кириш. Кенг маънода, "модернизация" - бу турли янгиланишларни киритиш орқали бирор нарсага замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш жараёнидир. Нафақат товарлар ёки уларни ишлаб чиқариш технологиясини, балки ижтимоий муносабатларни ҳам такомиллаштириш мумкин. Шунингдек, тарихан бу атама жамиятнинг янги тараққиёт босқичига ўтишини аниқлашган. Бизга маълумки ҳар қандай жамият ҳаётида сиёсий ривожланишни тадқиқ этиш учун турли ҳил назарий-методологик ёндашувлар танланади. Баъзи илмий тадқиқотларда, дарслик ва ўқув қўлланмаларда модернизацияга муқобил қарашлар берилган бўлса да, бугунги кунгача унинг ягона тузилмаси, жамиятни модернизациялаш тунучасининг моҳияти ва мақомини белгиловчи мезонлар ишлаб чиқилмаган. Илмий адабиётларда ҳам унинг мазмуни турлича талқинда берилмоқда. Мисол учун «Фалсафа» қомусий луғатида тушунчага умуман таъриф берилмаган. Демак, модернизация ижтимоий, сиёсий, маданий ва иқтисодий турларга бўлинади, уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз:

- ижтимоий модернизация ёки жамиятни модернизациялаш - бу иқтисодий, демографик, психологик ва сиёсий ўзгаришлар йиғиндиси натижасида анъанавий жамиятдан замонавий жамиятга ўтиш;

- сиёсий модернизация - бу прогрессив сиёсий ўзгаришлар бўлиб, уларнинг натижасида амалдаги сиёсий тизим ўз фаолиятининг параметрларини такомиллаштиради (яхшиланади), масалан, ҳокимиятнинг авторитар режимдан либерал-демократик режимга ўтиши;

- маданий модернизация - бу маданий хатти-ҳаракатлар, маданий тузилмалар, маданий тизимлар ва ғояларнинг янгиланиши, халқаро маданий танловда доимий иштирок этиш ва миллий табақаланиш бўлиб, унинг доирасида мамлакатлар маданий ўзгаришларда жаҳон чегараларига етиб олиш, эришиш ва улардан ортда қолмасликка интиладилар;

- иқтисодий модернизация - бу давлат тараққиётида иқтисодий юксалиш билан бирга кечадиган умумий инқилоб бўлиб, бунинг натижасида жамият иқтисодий ҳаётида, технологиялар, илмий билимлар соҳасида глобал ўзгаришлар содир бўлади.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Модернизациялашнинг янги тарихи XVIII асрда Европа мамлакатларида ихтироларнинг яратилиши, инсон фаолиятига илмий, муҳандислик билимларнинг қриб келиши ва улардан фойдаланиш маҳсули сифатида дунёга келган. Бу атама асосан, XX асрнинг ўрталарида илмий таомилга киритилди. Модернизация назарияси 1950-1960 йилларда АҚШ университет таълимида Т.Парсонс, Р.Мертон томонидан дастлаб илгари сурилган. Унинг асосчилари таниқли Америкалик мутахассислар С.Липсет, Д.Энгер, Р.Уарт, С.Хантингтон бўлишган. XIX асрнинг 80-йилларида модернизациялаш назарияси қайта кўриб чиқилиб, у ривожланишнинг шарти эмас, балки функцияси сифатида қаралди. Унда кўпроқ ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузилмаларни ўзгартириш устувор мақсад деб қабул қилинди. Фақат XX асрнинг 90-йилларига келиб, Хитой, Япония, Малайзия, Сингапур каби давлатларнинг жадаллашган моделлари олимлар томонидан эътироф этила бошланди. Мазкур жараёнга ўтишда «моддий ва маданий бойликлар тақсимоти», «ўхшашлик», «легитимлик» каби инқирозлар содир бўлиши тан олинди. Демак, инқирозларни енгиб ўтган халқ ва давлатгина бу жараёнда ютиб чиқади ва фаровонликга эришади... [1].

Ижтимоий ўзгариш тушунчаси юқори даражада кўп қиррали бўлиб, у ижтимоий тузилмаларнинг, амалиётларнинг трансформациясини, янги гуруҳларнинг пайдо бўлишини ёки аввалги гуруҳларнинг ишлашини таъминлашни, ўзаро таъсир ва хулқ-атвор шакллари ўз ичига олади. Ижтимоий муҳитда (унинг турли даражаларида - микро, мезо, макро даражада) турли хил тезлик, кўлам, мураккаблик, йўналишдаги экологик, демографик, технологик, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ижтимоий-психологик (ва ҳ.к.) ўзгаришлар содир бўлади. Ижтимоий ўзгаришнинг ўзи юқори даражада кўп маъноли, кўп қиррали бўлганлиги сабабли, уни ўрганиш ўзгаришларнинг характери ва йўналишини тушунтиришга мўлжалланган турли назарий-методологик проекциялар доирасида олиб борилиши мумкин. Замонавий илмий соҳада учта социологик макротеориялар энг кенг тарқалган: формацион, цивилизацион ва модернизацион[2].

Модернизация парадигмаси XX асрнинг ўрталарида Европа мустамлакачилик империяларининг парчаланиши ва Осиё, Африка ва Лотин Америкасида кўплаб "ёш миллатлар"нинг пайдо бўлиши шароитида шаклланган. Улар олдида кейинги тараққиёт йўллари танлаш муаммоси пайдо бўлди. Аслида модернизация дастури (анъанавийликдан замонавийликка ўтишни жадаллаштириш) АҚШ ва Ғарбий Европа олимлари ва сиёсатчилари томонидан учинчи дунё мамлакатларига коммунистик йўналишнинг муқобили сифатида таклиф қилинган. 1950-1960 йилларнинг бошларида турли таҳлилий оқимлар ва назарий анъаналар ривожланиш муаммолари бўйича ягона фанлараро компаратив истикболга (назария ёки аниқроғи назария, модернизация)

бирлашдилар, бу, айниқса, Учинчи дунё мамлакатлари эволюциясига туртки бериш учун фойдали бўлиб туялди. Кейинчалик, XX асрнинг иккинчи ярмида модернизацион истиқбол доирасида анъанавийликдан замонавий, индустриал жамиятга ўтишнинг турли жиҳатларини, шу жумладан, тарихий жиҳатларини ўрганиш бўйича катта назарий-методологик ва эмпирик тажриба тўпланган. Шу билан бирга, эволюционизм ва функционализм таъсирида шаклланган модернизация парадигмаси узоқ такомиллашув йўлини босиб ўтди. Модернизация мактаби эволюциясининг куйидаги босқичларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

1) 1950 йилларнинг иккинчи ярми - 1960 йилларнинг биринчи ярми - классик версияда модернизацион тадқиқотларнинг вужудга келиши ва жадал ўсиши даври;

2) 1960 йилларнинг охири - 1970 йиллар - модернизация истиқболлари рақобатлашувчи қоқоқлик (қарамлик, қарам ривожланиш) назариялари, И. Валлерштейннинг жаҳон тизими таҳлили (1970 йилларнинг иккинчи ярми), неомарксизм томонидан ҳам ички, ҳам ташқи танқид остига олинган танқидий давр;

3) 1980 йиллар - модернизацион тадқиқотларнинг посткритик уйғониш даври бўлиб, бу даврда модернизация, қарамлик ва жаҳон тизимли таҳлили мактабларининг конвергенция тенденциялари намоён бўлди; ушбу даврдаги модернизацион тадқиқотларни Э. Сою "янги модернизацион тадқиқотлар" деб атайти

4) 1980 йилларнинг охири - 1990 йиллар - Марказий-Шарқий Европа ва Евроосиё мамлакатларидаги улкан ўзгаришлар таъсирида неомодернизация ва постмодернизация таҳлилининг шаклланиши[3].

Модернизация парадигмаси доирасида ривожланиш жараёнларининг турли жиҳатларини тушунтиришга қаратилган кўплаб назарий-методологик ва интизомий ёндашувлар ишлаб чиқилди. Тадқиқотнинг мақсади модернизацион истиқбол контекстида кўлланиладиган баъзи назарий-методологик моделларни (яъни "воқелик" ва унинг назарий портретлари ўртасидаги изоморфизмга асосланган ижтимоий феноменлар ўртасидаги муносабатларнинг мавҳум тасаввурларини) тавсифлашдан иборат.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Ўтиш даври қонуниятлари ва зиддиятларини билмасдан туриб, модернизациялаш жараёнини таҳлил қилиб бўлмайди. Ўзбекистонда ўтиш даври мавзуси олимларимиз томонидан мустақил мавзу сифатида деярли кам ўрганилган. Чунки, унинг аниқ мезони, бошланиш нуқтаси билан охири босқичини белгилаш мураккабдир. Аслида, ўтиш даври барча мамлакатлар ривожиди содир бўладиган оралик давр ҳисобланади. Давлатлар юксак тараққиёт даражасига бирданига кўтарила олмайди, балки аввало шаклланиб, маълум ривожланиш босқичини босиб ўтади. Мисол учун Латин Америкаси давлатларида ўтиш даври бир асрдан бери чўзилиб келади.

Осиё ва Европадаги баъзи мамлакатларда, жумаладан, Португалия, Испания, Грецияда у бир авлод умрига тенг (тахминан 65 йил) вақтни олгани сабаби шуки, Ғарб сиёсий тизими тузулишига мос стандартлар ва кадриятларни баъзи мамлакатларда ўзлаштириш, кўчириб олиш ўзини оқламади.

Ўтиш даври, глобаллашув жараёнлари ҳақида бир қатор китобларни ёзган олим фалсафа фанлари доктори, профессор С.Отамуротов ёзганидек: «Ўтиш даврини жамият ўзи эришган имкониятлар асосида ривожланишнинг тугаши, ўсиб келаётган эҳтиёжларниқондира олмай қолишидан бошлаб, ундан юқори имкониятларнинг юзага келишигача бўлган муҳлат деб белгилаш мумкин. Бир ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тизимдан иккинчисига ўтиш учун зарур бўладиган «ўтиш даври» ёки аниқроғи «оралиқ» босқичининг муҳлати ана шу янги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузум ўз имкониятларини тўла юзага чиқариб, барқарор тараққий қилиш жараёни юзага келиши билан тугайди» [4].

Илмий адабиётларда модернизация жараёнидаги ички ва ташқи (эндоген ва экзоген) таъсирлар натижасида пайдо бўлади, деган фикр ҳукм суради. Аслида ҳам шундай: миллат такомиллига таъсирлар ва таҳдидлар ҳам ички, ҳам ташқи тарафдан кузатилади. Булар эса реал борлиқнинг кенг қамровли ёндашувлар ёрдамида акс этирилиши ва реалликка тадбиқ этиш доираси тобора кенгайганлигин билдиради.

Ўзбек олимлари мамлакатимизда модернизация жараёнларини ўрганишда «цивилизация», «глобаллашув», «миллий ривожланиш фалсафаси» каби тушунчаларни ишлатишади. Сиёсий модернизация ва жамият модернизацияси масаласи алоҳида мавзу ҳолида ҳозирга қадар тадқиқ қилинмаган[5].

Глобаллашув ва модернизациялаш бир-бирига яқин ва таъсир ўтказадиган тушунчалардир. Бугунги кунда глобаллашув ҳар бир мамлакатда фақат иқтисод соҳасида эмас, балки жамият сиёсий тизими ва халқаро муносабатларни, ҳатто модернизациялаш тақдирини белгиловчи куч сифатида намоён бўлмоқда. Модернизациялаш-замонавийлашиш ва анъанавийликдан замонавий ҳаёт тарзига ўтиш жараёни. Глобаллашувнинг нуфузи ошганлиги аввало, Ғарбда илғор технологиялар, тадқиқот институтлари ва сиёсат билан белгиланади. Ахборот технологиялари, мобиль тизимлари ривожлангани сари глобаллашувнинг таъсир доираси яна да кенгайиб бораверади.

Хулоса ва таклифлар (Result and discussions) «Модернизациялаш жамиятда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тузилмаларни ўзгартиришни кўзда тутди» деган қарашлар мавжуд. Ғарб олимларининг фикрича шахснинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва маънавий эркинлигини, давлатнинг жамоатчилик назоратида бўлишини таъминлайд; Шарқ олимлари назарида бошқарув шакллари узвийлиги, ҳокимиятни ташкил этишнинг асосий шакл ва тамойиллари сақланганлиги, жамиятда урф-одатлар, анъаналар ва жамоавий бирдамлик

кадрланиши устувор бўлади. Демак инсонга барибир танлаш имони берилади. Дейлик, Хитойлик тадбиркор АҚШ менеджмент тизимидан унумли фойдаланади, ammo жамият ҳаётида ҳатто миллий маҳсулотида Хитой руҳини сингдиради. Япон, Сингапур, Малайзиялик фуқаро ҳам, миллий рух, миллий ғурурни юқори қўйгани боис, тараққиётда илгарилаб бормоқда...

Сиёсий модернизациялаш-мураккаб комплекс жараён. Унда ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-маданий тармоқлар ўзаро боғланиб, бир бирига мазмун бағишлайди; агар улар орасида ажралиш юз берса, модернизация қисман амалга ошади ҳолос. Жамиятда ижтимоий гуруҳларнинг даромади кескин фарқланса, самарали иқтисодий ўсишга эришилмайди; маданий даражали етук шахс шаклланмаса, бозор тузулмалари шаклланмайди; фуқаролик жамияти институтлари ривожланмаса демократик кадриятлар ривожланмайди. Анъанавий жамиятларни модернизациялашда қуйидаги учта жиҳатга эътибор қаратиш зарур:

биринчиси, тизимли дифференциациялаш (табақалаш) даврида фуқароларнинг меҳнат фаолияти ва манфаатларига мос равишда жамият иқтисодий ривожига билан биргаликда янги сингфлар шаклланади. Ижтимоий гуруҳлар ичида келишмовчилик ҳолатлари кечади. Шунда сиёсий ҳокимият янги талабларга тезда ўз муносабатларини билдирмайди. Фақат демократик институтлар тарихий миссиясини тўлиқ бажарган тақдирда, бу ишда самарага эришилади;

иккинчиси, жамият аъзоларининг билимга, инновацияга қизиқиши кескин ошади. Давлат миллий тараққиётга эришиш мақсадида қўшимча молиявий ва инсоний ресурсларни ишга солади. Давлат ижтимоий соҳаларга етарли шарт-шароитни яратади. Фуқаролар ахборот коммуникациялари технологиялари ривожига ҳисобига сиёсий қарашлари бирмунча шаклланиб, ҳукуматнинг ишончига қира бошлайди. Диний кадриятлар ва адолат тамойиллари қўллаб-қувватланади;

учинчиси, фуқароларга жамоат фаолиятида сиёсий, миллий чекловларни олиб ташлаш, уларга давлат бошқарувидаги ўринларни тенглик асосида эркин эгаллаш имконияти яратилади.

Фуқаролик жамиятини бошқаришда, сиёсий қарорларни қабул қилишда хусусан, Европа давлатларида тенглик ва қонунийлик яхши ёрдам берди. Сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотларига ўзининг гуруҳлари, референдумлар, сайловлар эса жамиятнинг манфаатларига хизмат қила бошлади. Шарқ мамлакатларида давлат ва жамият ўртасидаги муносабатлар, кишиларнинг объектив эҳтиёжлари, яшаш шароитларидан келиб чиққан ҳолда, босқичма-босқич шакллантириб борилиб, узоқ асрлик анъаналар, урф-одатлар ва кадриятлар сақлаб қолинади.

Жамиятни модернизациялаш фақат сиёсий-иқтисодий масала саналмайди. Биз маънавий-маърифий, ижтимоий соҳалар, одамлар турмуш тарзи, ахлоқ одобида вужудга келадиган ва кутилаётган инқирозларнинг илдизини жиддий тадқиқ қилишимиз керак. Ҳар бир давлатда жамиятнинг юқори элита қисми оммавий маданият, глобаллашув муаммоси ва асоратларига ечим излаганда ҳам миллат олдидаги вазифасини виждонан адо этган бўлади.

Адабиётлар:

1. Б.Омонов «Жамиятни модернизациялашнинг концептуал асослари» Ташкент-«Алоқачи»-2019.7-б.
2. Moore W.E. Social Change. Englewood Cliffs, N.Y.: Prentice-Hall, 1974. P. 34-46; Также см.: Vago S. Social Change. Englewood Cliffs, New Jersey: Prentice-Hall, 1989. P. 75-79; Штомпка П. Социология социальных изменений. М.: Аспект Пресс, 1996. С. 31-37.
3. Опыт российских модернизаций XVIII-XX века. М.: Наука, 2000. С. 10-49; Алексеев В.В., Побережников И.В. Школа модернизации: эволюция теоретических основ // Уральский исторический вестник. Екатеринбург, 2000. № 5-6: Модернизация: факторы, модели развития, последствия изменений. С. 8-49; Они же. Модернизация и традиция // Модернизация в социокультурном контексте: традиции и трансформации. Сб. научн. статей. Екатеринбург, 1998. С. 8-32; Побережников И.В. Теория модернизации: от классической к современной версии // Северный регион: наука, образование, культура. Сургут, 2000. № 2. С. 75-80.
4. Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси (сиёсий-фалсафий кирралари) -Т.: Академия,2005 -Б.219
5. Б.Омонов «Жамиятни модернизациялашнинг концептуал асослари» Ташкент-«Алоқачи»-2019. -Б.10